# ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумий декларацияга, СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига асосланиб, ушбу Қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилади.

## I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Жамоат бирлашмаси тушунчаси**

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) ундириб олишига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ва бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқариш идораларига (микрорайонлар кенгашлари ва қўмиталарига, маҳалла, уй, кўча, квартал, посёлка, қишлоқ қўмиталари ва бошқа ташкилотларга,) ташаббускор жамоат идоралари (халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва бошқаларга) нисбатан амал қилмайди, уларнинг тузилиши ва фаолияти тартиби бошқа қонунларда белгилаб берилади.

2-модда. **Ўзбекистон ССРнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари**

Ўзбекистон ССРнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонундан, Қорақалпоғистон АССРнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунидан, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

3-модда. **Жамоат бирлашмаларини тузишдан кўзда тутилган мақсад**

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг соғ-ҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки СССР, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга Қонун билан барҳам берилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

4-модда. **Жамоат бирлашмалари тузилиши ва фаолиятининг қоидалари**

Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади.

Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон ССР Конституцияси, Қорақалпоғистон АССРда эса, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Конституцияси, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунлари доирасида иш кўрадилар.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарти ёки Қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар, шунингдек меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғурта қилдириш тўғрисидаги қонунлар жамоат бирлашмалари аппарати ходимларига нисбатан жорий этилади.

5-модда. **Давлат ва жамоат бирлашмалари**

Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралар ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотлари, бошқа жамоат бирлашмалари фаолияти улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатлари фаолиятининг давлат томонидан пул билан таъминланиши тақиқланади, халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларга мувофиқ сайлов кампанияларини, халқ овоз беришини пул билан таъминлаш ҳоллари бундан мустаснодир.

Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат идоралари ва хўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

6-модда. **Жумҳурият жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари**

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун жумҳурият ҳудудида амалга ошириладиган ва Ўзбекистон ССРда ўз ташкилотлари бўлган жамоат бирлашмалари Умумиттифоқ ва жумҳуриятлараро жамоат бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларига киради. Башарти, фаолияти ушбу Қонуннинг 3-моддасига зид бўлса, жумҳурият ташқарисида ташкил этилган жамоат бирлашмаларининг филиаллари ва бошқа структура бўлинмаларининг фаолиятига йўл қўйилмайди.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун жумҳурият ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари жумҳурият жамоат бирлашмаларига киради. Бунда жумҳурият сиёсий партияси ёки касаба уюшмасининг камида уч минг аъзоси бўлиши керак.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, поселка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса бутун шаҳар ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари вилоят, Тошкент шаҳар жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун ноҳия (шаҳар) ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари ноҳия (шаҳар) жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти поселка, қишлоқ ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари поселка, қишлоқ жамоат бирлашмаларига киради.

Зарурат пайдо бўлган ҳолларда вилоятлараро ва ноҳиялараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

7-модда. **Жамоат бирлашмаларининг иттифоқлари**

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида жамоат бирлашмаларининг иттифоқларига уюшишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иттифоқлари ушбу Қонунда жамоат бирлашмалари учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади, амал қилади ва ўз фаолиятини тўхтатади.

## II БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

8-модда. **Жамоат бирлашмаларини тузиш**

Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чақирадилар, унда устав (низом, ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади.

9-модда. **Жамоат бирлашмасига аъзолик**

Ўзбекистон ССР фуқаролари жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари) бўладилар. Сиёсий партиялардан ташқари жамоат бирлашмаларининг уставида бошқа жумҳуриятлар фуқароларининг, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бирлашмага аъзо бўлишлари кўзда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари жумҳурият сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Бир сиёсий партиянинг аъзоси айни вақтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўла олмайди.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларидан ташқари жамоат бирлашмаларининг фаолиятида уларнинг уставларида кўзда тутилган ҳолларда жамоа аъзолари: корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, фуқароларнинг бирлашмалари иштирок этишлари мумкин.

10-модда. **Жамоат бирлашмасининг устави**

Жамоат бирлашмасининг уставида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

1) жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси;

2) жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса, бундай ҳолларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

4) жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари;

5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;

6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулки манбалари;

7) жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси қаерда жойлашганлиги;

8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;

9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Уставда жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

11-модда. **Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш**

Ўзбекистон ССРда амал қилувчи Умумиттифоқ жамоат ташкилотлари, халқаро, жумҳуриятлараро жамоат ташкилотлари жумҳурият бўғинларининг, шунингдек жумҳурият, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон АССРда жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари ижроия қўмиталарининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонуннинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар ҳам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олиниши лозим.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва гражданлик қонунларига мувофиқ ҳуқуқий шахс, деб тан олиниши мумкин.

Умумиттифоқ, халқаро, жумҳуриятлараро (минтақалараро) жамоат бирлашмаларининг (шу жумладан оммавий ҳаракатларнинг) ва уларнинг бошқа тармоқ бўлинмаларининг филиаллари шунингдек жумҳурият ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан оммавий ҳаракатлари) Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида ва унинг жойлардаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон ССР ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмаси уставини, кейин унга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш ҳақи ундирилади.

12-модда. **Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш**

Агар жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 3,4 ёки 10-моддалари қоидаларига зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бу ҳақда тақдим этилган устав қайси қонуннинг қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбекистон ССР гражданлик процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда қараб чиқилади.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмаси жумҳурият бўғинининг, жумҳуриятлараро, жумҳурият ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан — Ўзбекистон ССР Олий Судига, маҳаллий жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса — тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкин.

13-модда. **Жамоат бирлашмаларининг рамзлари**

Жамоат бирлашмалари рамз сифатида ўз тимсолига, байроғига ва вимпелига эга бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари уставга мувофиқ, уларнинг раҳбар идоралари томонидан тасдиқланади. Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари ва вимпеллари ушбу Қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган мақсадларни тарғиб этишга хизмат қилмаслиги керак.

Байроқлар ва вимпеллар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

14-модда. **Жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши**

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уларнинг съездлари (конференциялари) ёки умумий йиғилишлари қарори билан қайтадан ташкил этилади. Жамоат бирлашмаларини қайта ташкил этгандан сўнг янгидан тузилган жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ ёхуд ушбу Қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган асосларга мувофиқ ва тартибда тугатилади.

Съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки унинг уставида кўзда тутилган мақсад йўлида сарфланади.

## III БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

15-модда. **Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари**

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари уларнинг уставларида қайд этилади.

Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

қонун қабул қилишда ташаббускор бўлади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон ССРнинг бошқа Қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССРнинг ҳам ўзга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

16-модда. **Сиёсий партиялар, оммавий жамоат ҳаракатлари, касаба уюшмалари**

Партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок этишни, шунингдек халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият идоралари фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар.

Партияларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади, улар омманинг эътибори учун матбуотда эълон қилинади.

Партиялар халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориш, халқ депутатлари тегишли Советларида ўз тарафдори бўлган депутатлар гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий жамоат ҳаракатлари сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар ҳамда уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида лавозимни эгаллаб турган шахслар ўз хизмат фаолиятида қонун талабларига амал қиладилар ва сиёсий партиялар ҳамда сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларининг қарорлари билан боғлиқ бўлмайдилар.

Касаба уюшмалари давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари, кооператив ва ўзга жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ касаба уюшмаси аъзоларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги манфаатларини кўзлаб иш олиб боради ва уларни ҳимоя қилади.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг фақат якка тартибда рўйхатга олинадиган аъзолари бўлади.

17-модда. **Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ана шу бирлашмалар аъзолари (қатнашчилари) ўртасида қайта тақсимланмайди ва ундан фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади; жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан ҳатто ўз уставида кўрсатилмаган бўлса ҳам хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари тузадиган корхоналар ва ташкилотлар қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда бюджетга пул ўтказадилар.

18-модда. **Жамоат бирлашмалари мулки**

Жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматбаҳо қоғозларга ҳамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ уларнинг маблағи ҳисобидан барпо этилган нашриётлар, бошқа корхоналар, хайрия муассасалари жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССРнинг ҳам қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазалари билан ёки халқаро шартномаларга мувофиқ жамоат бирлашмалари мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари, агар уставда кўзда тутилган бўлса, бирлашмага кириш ва аъзолик бадалларини тўлашдан; ихтиёрий равишда ўтказилган пул ва хайриялардан; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар, лотереялар тушумларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинадиган даромадлардан; қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатлари диний ташкилотлардан, шунингдек чет давлатлар, ташкилотлар ва ажнабий фуқаролардан молиявий ва ўзга моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Сиёсий партиялар ўз бюджетларини омманинг эътибори учун ҳар йили эълон қиладилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Иттифоқларнинг ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг ана шу иттифоқ ва унга қўшилган бирлашмаларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этишга доир ваколатлари жамоат бирлашмалари иттифоқларининг уставларида белгилаб қўйилади.

19-модда. **Жамоат бирлашмаларининг оммавий ахборот воситалари ва ноширлик фаолияти**

Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

## IV БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. ҚОНУННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

20-модда. **Жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилиш ва кузатиб бориш**

Молия идоралари жамоат бирлашмалари даромадларининг манбаларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини прокуратура идоралари назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллуқли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Рўйхатга олувчи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.

21-модда. **Жавобгарлик асослари**

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгар бўладилар.

Жамоат бирлашмаси, шу жумладан ўз уставини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг уставида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган идора ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин.

22-модда. **Жамоат бирлашмаси устав ёки қонун талабларини бузган тақдирда уни тугатиш**

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонуннинг 21-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатларни бир йил давомида такроран содир этганлиги учун суд уни тугатиши мумкин.

Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки қайтариб бермаслик шарти билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмасининг жумҳурият бўғини, жумҳуриятлараро, жумҳурият ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон ССР Прокурорининг, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон ССР қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралар ва мансабдор шахсларнинг тақдимига асосан Ўзбекистон ССР Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилади. Ўзбекистон ССР Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон ССР Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

## V БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ. ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

23-модда. **Жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқалари**

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон ССР қонунларига ва ўз уставларига мувофиқ халқаро жамоат (ноҳукумат) бирлашмаларига қўшилиши, бевосита халқаро алоқалар ўрнатишлари, тегишли битимлар тузишлари мумкин.

24-модда. **Халқаро жамоат бирлашмалари**

Агар Ўзбекистон ССРда тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти уставга мувофиқ Ўзбекистон ССР ҳудудида ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида амал қилса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Башарти чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига жумҳурият жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, жумҳурият жамоат бирлашмасининг устави ҳам ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олиниши керак.

Ўз фаолиятини хорижий давлат ҳудудида ҳам амалга оширадиган жамоат бирлашмаси зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган уставини қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига тақдим этади.

Тинчликни мустаҳкамлашни, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, инсонпарварлик фаолиятининг ўзга турларини мақсад қилиб қўйган жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу Қонуннинг қоидалари хорижий давлатлар жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистон ССР ҳудудида тузилган бўлимлари (филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари) фаолиятига нисбатан қўлланади.

25-модда. **Халқаро шартномалар**

Агар СССР ёки Ўзбекистон ССР халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномадаги қоидалар қўлланади.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 15 февраль.

## ● ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни 1991 йил 1 мартдан кучга киритилсин.

Қонунлар ушбу Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар қонунларнинг жамоат бирлашмаларига оид қисми ушбу Қонунга зид келмаса, қўлланаверади.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг жамоат бирлашмалари уставлари (низомлари, бошқа асосий ҳужжатлари)ни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қоидалари ушбу Қонун кучга киритилгунга қадар тузилган жамоат бирлашмаларининг уставларига дахлдордир. Ана шу жамоат бирлашмаларининг уставлари 1992 йил мартигача бўлган муддатда рўйхатга олинадилар; бу ҳолда 11-модда иккинчи қисмининг уставни у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида рўйхатга олиш ҳақидаги қоидаси қўлланилмайди.

Касаба уюшмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини назорат қилиш ҳақида «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 11, 20 ва 23-моддаларида кўзда тутилган қоидаларни тартибга солиш хусусиятлари касаба уюшмалар тўғрисидаги қонунларда назарда тутилади.

3. Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашига:

Қорақалпоғистон АССР қонунларини «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети:

«Ўзбекистон ССРда Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ Умумиттифоқ жамоат бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларини, шунингдек жумҳуриятлараро, жумҳурият ва маҳаллий жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва матбуотда эълон қилсин, жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олганлик учун ҳақ олиш тартиби ва миқдорларини белгиласин:

1991 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш ҳамда уларнинг уставларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича махсус хизмат ташкил этиш, бу хизматнинг фаолиятини штатлар билан, моддий-молиявий ва бошқача тарзда таъминлаш масалаларини ҳал этсин;

Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг қарорлари мазкур Қонунга мувофиқлаштирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси**

**М. ИБРОҲИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

# ДИЛДАГИ ГАПЛАР

**ШУ ОЙНИНГ бошларида Тошкент ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида бўлганимда у ерда амалга оширилаётган янгиликлар билан бирга, шунингдек, деҳқонларнинг айрим хизмат тармоқлари. мутасаддиларига нисбатан билдирган эътирозлари, ўринли мулоҳазалари, танқидларини ҳам эшитган эдим.**

**Янгиликларки, уларни ўрганса, қўлланса арзийди. Эътирозларки, уларнинг асосида жуда кўп дала меҳнаткашларининг хасратлари, юрак дардлари ўз ифодасини топган...**

## ҚАНИ ШАҲАРЛИК БЎЛГАНИМИЗ?

ОДАМНИНГ субути гапсўзининг маъноси, қадр-қимммати билан белгиланади. Ўтган йили мазкур хўжалик ҳисобот мажлисида қатнашганимда Тошкент шаҳар деҳқончилик уюшмаси раиси С. Тошқуловнинг жамоа хўжалиги аъзоларига берган ваъдаси тақдири билан қизиқишга тўғри келди. У ўша йиғилишда жумладан, бундай деган эди:

— Уюшмамизга аъзо бўлганларингиз туфайли энди Сизлар ҳам шаҳарлик бўлиб қолдингизлар. Демак, шаҳарликлар фойдаланаётган имтиёзлар, хизматлардан сизлар ҳам баҳраманд бўласизлар. Биз енгил машинадан, қурилиш материалларидан, қарашиб юборамиз. Аввало соғ-саломат юринглар, дард кўрманглару, лекин иссиқ жонмиз-да. Мабодо тобларингиз қочиб қолса биронтангизнинг шаҳардаги шифохоналарда даволанишларингиз ҳам мумкин...

Эҳтимол, ўртоқ С. Тошқулов уюшмага аъзо бўлган бошқа хўжаликларда бўлганларида ҳам шундай ваъдаларни бериб, одамларни ишонтиргандирлар, буниси бизга ҳозирча қоронғу. Лекин шу нарса аён бўлдики, ўтган йили мажлисда берилган ваъдалар чалакам-чатти қолиб кетди. Тўғри, уч-тўрт кишига енгил машина олишда кўмаклашилди. Бироқ, ваъдалар жуда кўп эди-ку. Улар бажарилмади.

Шунинг учун бўлса керак, деҳқонлар, соҳибкорлар, чорвадорларнинг шаҳар деҳқончилик уюшмасидан кўнгли қолибди, Амалий ёрдами тегмаган уюшмага аъзо бўлишдан не ҳожат. дейишмоқда улар.

Буёғи нима бўларкин? Ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

## ПУЛНИ КОЛХОЗ КАССАСИГА ТОПШИРАМИЗ

АГАР 1989 йилда жамоа хўжалиги бир аъзосининг иш кунига ҳисоблаганда ўртача ойлик маоши 280 сўмни ташкил этган бўлса, 1990 йилда 352 сўмга етди. Деҳқонларимиз ниҳоятда меҳнаткаш, дейишди жамоа раҳбарлари. Улар учун бу камлик қилади. Шуни 400 сўмга етказмоқчимиз.

Дарвоқе, соф даромад кўпайиб бораётган экан, маошнинг ҳам ортиши табиий ҳолдир. Буни шундан ҳам билса бўладики, 50 ва 100 сўмлик пуллар ўзгариши муносабати билан жамоа хўжалиги аъзоларига тегишли 1,5 миллион сўмга яқин жамғармалари алмаштириб берилди. Лекин бу жараён анча қийин кечди. Асаб бузишга, талашиб-тортишишга тўғри келди. Энг ёмони шундаки, шундай ҳам жамғармасини уйда сақлашни афзал кўрадиган деҳқонларда пулни давлатнинг омонат кассасида сақланишига бўлган ишончлари бутунлай йўқолди. Лекин одамлар орасидаги ҳар хил гап-сўзлар, миш-мишларни айтмайсизми? Жамоа хўжалиги бошқаруви омманинг бу кайфиятини, албатта, ҳисобга олиб, бирон чора-тадбир кўриш керак, деган қарорга келди. Шу мақсадда тажрибаларга таяниб, хўжаликнинг ўз омонат кассасини очишга аҳд қилдилар. Бу шундай йўл билан амалга ошади. Ҳар бирининг қиймати 100, 500, минг, 2 минг сўмлик бўлган, хўжаликнинг белгиси қўйилган акция — қоғоз пуллар тайёрланади. Колхозчиларга бериб қўйилади. Бир йил сақлаганлиги учун хўжалик фойда пули бермайди. Деҳқон пули икки йил сақланса уч фоиз, уч йил сақланса 6 фоиз, тўрт йил сақланса саккиз фоиз ва ҳоказо фойда пули тўланади.

Хўжаликка ҳам, деҳқонга ҳам фойдали ва қулай. Жамоа хўжалиги маблағни давлат банкида сақлайди. Банк фойда тўлайди. Хўжалик банкдаги пулларни бемалол ишлатаверади. Энг муҳими шундаки, деҳқон хоҳлаган пайтда хоҳлаган миқдордаги пулни қайтариб олаверади.

Бу тадбир кўпчиликка маъқул келди. Колхоз кассасига пул топшираман, деганлар кўпайиб кетди.

## БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИЙДИГАН БЎЛДИ

КЎП ЙИЛЛАРДАН буён бир нарса тинчлик бермайди. Ўйга толдиради, бизни. Бу қандай адолатсизликки, деҳқон-чорвадор ўзи не-не машаққатлар билан гўшт етиштирса-ю, лекин кўпинча қора қозонини қайнатолмай сувга ташлаб қўйса?! Ондасонда меҳмон-излом келганда ёки йиғин ўтказганида бозордан килосини палон сўмга гўшт сотиб олса. Бундан буён ҳам шу аҳвол давом этаверадими? У ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида қандай яшаймиз? Ахир бозордан килосини 15—20 сўмга сотиб олиб, тўй-маъракa ёки йиғин ўтказиб бўлмайди-ку! Ана шу ташвиш одамларни бир кунмас — бир кун жумбушга келтириши турган гап. Хўжалик раҳбарлари бу ҳақда ҳам қайғуришмоқда. Шу пайтгача зарур бўлганда ички эҳтиёжлар учун қорамол сўйиб келинарди. Нега қўйчиликни астойдил янги изга солиш мумкин эмас? Бир вақтлар Келес массивида ўн-ўн беш минг қўй боқиларди-ку. Ихтисослаштириш баҳонаси билан бу қўйлар олиб қўйилди. Ҳозир бор-йўғи мингга яқин қўй боқилмоқда. Буни албатта, кўпайтириш керак. Қўйчилик фермаси қайта қурилмоқда. Бу фермага дастлаб шу хўжаликда меҳнат қилган тажрибали чорвадор Аббосхўжа Бакиров яна мудир қилиб тайинланди. У чорвадорлар, мутахассислар билан гаплашиб, яқин икки-уч йил ичида қўйлар сонини икки-уч мингга олиб чиқишга сўз берди. Яна бошқа тадбир ҳам ўйланди. Кимки тўй-йиғин, маърака ўтказса ҳозирча биттадан бўрдоқи қўй бериладиган бўлди.

Чамамда деҳқонлар-у чорвадорлар эндигина ўзлигини танимоқдалар. Бўзчи белбоққа ёлчийдиганга ўхшайди.

## ФОЙДА ЧИҚМАЙДИМИ, ЭКМАЙМИЗ!...

ЯХШИ биласиз. Айниқса, сабзавотчиликка ихтисослашган Тошкент худудидаги ноҳияларда беш-олти йил бўлдики, картошкачилик зарар келтирадиган тармоққа айланиб қолган. Сабаблари кўп. Уруғ айниган, ер чарчаб қолган. Бунинг устига кушанда ҳашарот йил сайин кўпайса кўпайяптики, камаймаяпти. Яхшиси картошкани узоқроқдаги пахтакор ноҳияларда етиштирган маъқул, биз бўлсак бошқа экин, масалан, чорвага озуқа бўладиган экинларни экайлик. Бундай таклифлар ҳар йили катта йиғинларда айтилмоқда. Лекин уни инобатга олмаяптилар. Йўқ, экасизлар, вассалом. бошқа гап бўлиши мумкин эмас!

— Фойда чиқмайдими, зарар кўраяпмизми, бундан буён экмаймиз,— деб қатъий талаб қўйишди деҳқонлар.

Ҳайрият, ноҳия раҳбарлари уларнинг ёнини олишди. Жамоа хўжалигини аста-секин узумчилик ва чорвачиликка ихтисослаштиришга келишилди. Картошка режадан олиб ташланадиган бўлди. Ўтган йилиёқ токзорларни кенгайтиришга киришилди. Эндиликда илгари картошка, сабзавот экиб келинган очиқ далаларнинг бир қисмига чорва учун озуқа экинлари экилади.

Дастлабки қадамлар қутлуғ бўлишига умидвормиз.

## МУШУГИНИ КИМ ПИШТ ДЕЙДИ?

АСЛИДА-КУ, деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи тасарруф қилгани, иложи бўлса хом ашёсини ўзи қайта ишлаб тайёр маҳсулот сифатида бозорга олиб чиқиб, сотганига нима етсин! Ишончимиз комилки, барибир бора-бора шу йўлга ўтилади. Бошқа илож йўқ.

Ҳозирча эса имконият чекланган. Давлат режаси деган гаплар бор. Шу ҳисобга хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, ҳар йили етиштириладиган маҳсулотнинг белгилаб қўйилган қисмини тайёрловчиларга топширишга мажбур бўладилар. Майли эди-я, деҳқон не-не машаққатлар билан етиштирган маҳсулотини қўшқўллаб олиб борганида уни сарсон қилмай, қийнамай, жиғига тегмай, осонликча қабул қилиб олишса. Бундай бўлмаяпти-да. Аввалambор у олиб борган маҳсулотни, албатта, ўша ерда доим ҳозиру нозир турадиган юкчилар тушириб бериши шарт қилиб қўйилган. Йўқ, ўзимиз туширамиз, қўйинглар, деб айтиб кўрсинчи, деҳқон. Боши маломатдан чиқмайди. Олай деб турган маҳсулотларини, бор қаёққа борсанг боравер, деб олмай қўйишади. Шундан кейин кўнмасдан иложингиз йўқ. Юкни тушириб жойлаб бергани учун, албатта, уни ёнингиздан бўлса ҳам рози қилишингиз шарт.

Тарозидан уриб қолишларини айтмайсизми. Ҳе, оғайни, бунча эмас, унча эди, деб оғиз жуфтланг-чи, сизни пасткашдан олиб, пасткашга солиб, ҳақорат қилишдан ҳам тоймайдилар. Иккинчи марта яна ишингиз тушишини ўйлаб тилингизни зўрға тийиб турасиз.

Бу аҳвол ҳамма ерда бор. Бундан мутасаддилар хабарсизми, йўқ. Билишади. Барибир билмасликка олишади. Нега шундай? Тушунолмаймиз. Сўзлари ўтмас бўлиб қолганми? Нега? Биз ҳайронмиз. Тайёрловчиларнинг танобини тортиб қўядиган мард борми ўзи? Қани, ким уларнинг мушугини пишт дея олади. Ёки жумбоқ яна жумбоқлигича қолиб кетаверадими?

## ХЎЖАЛИКДА МУСАЛЛАС ЗАВОДИ

ОРТИҚ бундай ҳақоратга, адолатсизликка чидай олмаймиз, дейишди соҳибкорлар. Тўғри, Абдураҳмонов номли совхоздаги вино заводи ноҳия ихтиёрига ўтди. Энди килосини кам деганда 50 тийиндан бемалол заводга олиб бориб топширамиз узумни. Лекин ўзимизда мусаллас заводи бўлганига нима етсин. Харажат камаяди. Энг муҳими маҳсулотимизнинг пировард фойдасидан ўзимиз баҳра оламиз.

Бу талаб ҳам инобатга олинди. Хўжаликда мусаллас заводи қурилиши юзасидан лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб тасдиқланди. Тез кунлар ичида қурилишга киришишни ҳам мўлжаллаб қўйдилар. Завод қурилиб ишга тушгач, кам деганда 4 минг тонна узумни қайта ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу ҳисобга жамоа хўжалиги аъзолари топширадиган узум ҳам киради, албатта. Кейинчалик завод қуввати ошиб боради. Ана шунда бошқа хўжаликлар ҳам маҳсулотларини хўжалик заводига топширишлари мумкин бемалол. Ўтган йили хўжалик соҳибкорлари етиштирган маҳсулотларини топширолмай кўп қийналганликларин айтсак, бу тадбирнинг қанчалик муҳимлигини тасаввур қилиш мумкин. Алам қиладигани шундаки, бир килограмм узумнинг нархи 3,5 сўм — 4 сўм сотиладиган ярим литр винонинг идиши нархига ҳам тўғри келмайди-да!

Ҳақиқат аста-секин юзага чиқадиган, бошқа дала меҳнаткашлари қатори соҳибкорларнинг ҳам меҳнати қадрланадиган кунлар яқинлашаётганга ўхшайди.

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



СИЕҲИ ҚУРИМАГАН АСАРЛАР

# ҲАҚИҚАТ УЧУН КУРАШМОҚ ДАРКОР

**Шеъриятимизнинг databodeҳқони — Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг жуда кўп шогирдлари бор. Улар адабиётимизнинг турли жанрларида қалам тебратади. Шундай шоирлардан бири — Барот Исроил устози ҳақида хотиралар китобини ёзмоқда. Бу китобдан Миртемир билан бўлган мулоқотлар, латифанамо ҳангомалар ва шеърият ҳақида мулоҳазалар ўрин олади.**

**Биз қуйида Барот Исроилнинг устоз ҳақидаги хотираларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.**



### ТАНИМАСНИ СИЙЛАМАС

БИР КУНИ устоз билан учрашиб қолдик. Миртемир домла мени учратганидан мамнун бўлса, мен устозни учратганимдан хурсанд эдим.

— Баротвой, тушлик қилиб олайлик,— дедилар. Соатга қарасам, вақт ўн учга яқинлашиб қолибди.

— Қаерда овқатланамиз, бу атрофда дурустроқ ошхона йўқ-ку,— дедим.

— Мана қаршимизда, беш қадам,— устоз «Тошкент» ресторанига ишора этдилар.

— Дарвоқе, хаёлимга келмабди, тушлик пайти навбат кўп бўлса керак, кутиб қолмасмиканмиз?

— Борайлик-чи,— домла йўл бошлади, мен эргашдим.

Ресторанга осонгина кирдик. Тўрдаги столларнинг бирини эгалладик. Официант таомлар рўйхатини олиб келди ва буюртма олди. Дастурхоннинг уёқ-буёғини тузатган бўлдилар. Устоз официантга жуда мулойимлик билан:

— Қайнатма шўрвангиз борми?

— Бар!— деди у русча талаффуз билан.

— Шунисига ҳам шукр,—устоз бу сўзни қайси маънода айтганини кейинроқ тушундим. Хўш, дедилар-да, буюртма беришни давом эттирдилар Бу пайтда официант устоздан кўзини узмай бетоқатланиб турарди.

— Димланган жўжангиз борми, қизим?— сўрадилар домла, бу сўзга тушунмади, шекилли, официант менга қаради.

— Табака!— дедим мен.

— Бар!— деб ён дафтарига ёза бошлади.

— Бир шиша «Матра» коньяк бўлса, очмай олиб келинг, газаги ҳам бўлсин.

Официант яна менга қаради. Коньякка тушунди албатта, газакка тушунмади. Яна таржимонлик қилишга тўғри келди. Хуллас, буюртма сўнггида бир чойнак памил чой келтиришни ҳам тайинладик. Официант чаққон чиқиб қолди. Бир дамда нон, салат, коньяк, шўрва ва кетма-кет жўжани ҳам олиб келиб дастурхонни тўлдирди. Навбат жўжага етганда устоз жуда қийналиб кетдилар.

— Домла, мен нимталаб берақолай!— дедим.

— Бу жўжа эмас, мендан ҳам қари хўрозга ўхшайди-ку, Баротвой!— Ҳалиги резинка жўжани олдимга олиб, сонини қовурғасидан, тўшини биқинидан ажрата олмадим. Бамисоли атайлаб ёпиштирилгандек. Ўзимга келтирилгани ҳам шундай экан. Ниманидир олиб келган официант аёлга устоз мурожаат этиб, нимталаб беришни илтимос қилдилар У ҳам менга ўхшаб анча уринди. Шу пайт залда ресторан директори пайдо бўлиб, нима воқеа дегандек биз ўтирган столга яқинлашиб келабошлади. Бирдан домлани таниб:

— Ассалому алайкум!— дея кўксига қўлини қўйди.

— Ваалайкум ассалом!—деб, саломлашиб бўлгач, резинка жўжа воқеасини тушунтирдилар. Бу учрашувдан ҳайрон бўлиб турган официантга бир имо билан ёвқараш қилди. У шуни кутиб турган эканми ҳалиги резинка жўжани қайтариб олиб кетди.

— Кераги йўқ!— деб устоз қайтармоқчи бўлдилар.

— Ҳозир янгилаб келади!— дея тинчлантираркан директор бирдан тилга кириб:

— Булар шунақа, дўппи кийганлар қишлоқдан келган бўлса керак, дейишиб кам эътибор қилишади. Танимасни сийламас, дейдилар, домла!..

Бу гап устозга қаттиқ ботди, шекилли, мийиғида кулдиларда, директорга ташаккур билдириб, у кетгандан сўнг:

— Шўрликлар нима берса еб кетаверади-да, аттанг, инсон қадр-қиммати шуми? Афанди айтганидек, е тўним экан-да. Қуйинг Баротвой, бу ноҳақликнинг шундан бошқа давоси йўқ!— дея, тўлдирилган қадаҳни сипқардилару газак қилмадилар. Официант янгилаб келган юмшоққина, момиқдай жўжага қайрилиб ҳам қарамади. Устоз яна афсусланиб:

— Ҳақиқат бор, фақат унинг учун курашиш даркор. Биз-ку бир амаллаб ҳақимизни ажратиб олдик. Шўрлик ўзбек халқи-чи? Ўзининг ҳалол пешона тери билан яратилган улушини ажратиб ололмаса, ҳалиги резинкага ўхшаш қари товуқни тишлаб, ғажиб мазасини билолмай, ресторанга кирдим, деб чиқиб кетаверади. Бу — инсофдан эмас. Бу ерга кирган кимса шод бўлиб чиқиши керак.. Э, аттанг!..

Устоз ресторандан тунд бўлиб чиқдилар. Пальтосини кияркан, эшикбон ёқаларини тузатиб, атир пуркаб, қўлини кўксига қўйиб хайрлашаркан, устоз чўнтагига қўл суқиб пул узатдилар. Эшикбон шуни кутиб турган экан, шекилли, дарров пулни олиб чўнтакка урди. Агар янглишмасам бу ё ўн ёки йигирма беш сўм эди. Домла нима учун бундай қилганига ҳануз тушуна олмайман...

### ДАРЁ ВА ИРМОҚ

МЕН Низомий номли педагогика институтида таҳсил олиб юрган кезларим эди. Ўзбек тили ва адабиёти куллиёти муаллимлари академик шоир Ғафур Ғуломнинг олтмиш йиллик таваллуди арафасида талабалар билан учрашув ташкил этишганди. Илмгоҳнинг каттакон мажлис залидаги саҳнада Ғафур Ғулом, Миртемир, Ғайратий, Саид Аҳмад ва бошқа адиблар ўтиришарди. Биз, талабалар бу улкан ёзувчиларни кўрганимиздан мамнун бўлиб, уларнинг ҳар бир сўзи, ҳатти-ҳаракати ва ишораларини кузатиб ўтирардик. Ўшанда адабий кечани Натан Маллаев очиб, биринчи сўзни Ғафур Ғуломга берди. Минбарга кўтарилган Ғафур Ғулом нимадир деди-ю, ҳамма бараварига хандон отиб кулди (Афсуски унинг ўша гапини ҳозир ёдимга келтиролмадим). Шундан сўнг Ғафур Ғулом ўзининг янги шеърларини кўтаринки бир руҳ билан моҳирона ўқидики, биз уларни жон қулоғимиз билан тингладик.

Навбат Миртемирга берилганда у киши камтарона сўзлар билан улкан шоирни олқишлаб, Ғафур Ғуломга бағишланган бир шеърини ўқидилар. Шеърнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Миртемир ўз шеърида Ғафур Ғуломни ўзбек адабиётининг бир дарёси деб таърифлаб, ўзини шу дарёнинг бир ирмоғига қиёслаганди. Шеър ўқиб бўлингач, олқишловчиларга қўшилиб Ғафур Ғулом ҳам астойдил мамнун бўлиб чапак чалдилар ва Миртемирдан қўлёзмани олиш учун у томонга ўгирилди. Буни сезган Миртемир домла:

— Озгина тузатиладиган жойи бор, ўша мисраларни қиёмига етказиб бераман,— дедилар ..

Кейинчалик Миртемир домла билан яқин бўлиб қолганимдан сўнг устознинг ўз шеърларига нақадар талабчанлик билан қарашининг гувоҳи бўлдим. Ғафур Ғуломга аталган ўша камтарона шеър билан боғлиқ воқеанинг мағзини чақаётгандайман.

### ФАРҒОНАЛИК ХОНАНДАНИНГ БИР ЖУФТ ҚЎШИҒИ

УСТОЗНИНГ катта ўғли Миржалолнинг никоҳ тўйи эди. Қишнинг биринчи ойи бўлса керак. Кун анча совуқ. Ўшанда тўйга келган меҳмонларни ўртада кутиб олаётгандим. Қуёвни келинникига жўнатган ҳам эдикки, бирдан тўйхонага Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Зулфия, Рамз Бобожон, Озод Шарафиддинов каби адиблар кириб келишди. Уларни ҳовли тўрида тайёрланган жойга ўтқаздим. Таомилга биноан чой келтириб, нонни ушатиб, дастурхондаги ноз-неъматлардан олиб ўтиришга ундадим. Ора-сира чойларидан хабар олиб турдим. Келинни олиб келиш учун куёв ва навкарлар кетганига ҳеч вақт бўлгани йўқ. Ҳали-бери тўй бошланмайди. Лекин кўп меҳмонлар келиб улгурган.

Назаримда, бу азиз меҳмонлар бирров фотиҳа ўқиб, қутлаб кетишга кирганга ўхшарди. Чойларидан хабар олиш мақсадида яна ёнларига боргандим, шунда:

— Биз сал совуқ едик!—деб қолди Рамз ака.

— Ҳозир келаман!— дедимда, чойнакни кўтариб, тўғри устознинг ёнига бордим. Ҳалиги эшитган гапимни айтгандим.

— Баротвой, чойнакка чой эмас, қирқ даражалик алвонранг чойдан қуйиб олиб боринг,— дедилар-да, куёви бўлмиш Иброҳимжон акани топишимни тушунтирдилар Иброҳимжон Исомиддинов омбор бошлиғи бўлиб, калит у кишида экан. У киши куёвлар билан кетганлигини аниқлаб, устозга тушунтирдим. Устоз кичик ўғли Мирзани чақириб, шивирлаб нимадир дедилар. Мирза мени бошлаб ертўлага тушди-да, қулфини бузабошлади. Эътироз билдирсам, бошқа илож йўқ, деди. Хуллас, эшикни очиб, шишалардан чойнакларга қуйиб, совуқ еган меҳмонларга, қази-қартаси билан олиб бордик. Бу орада келин келди. Тўй қизиди. Омбор эшигининг зулфи суғурилганини кўрган Иброҳимжон ака, устозга шивирлаб тушунтирарди. Миртемир домла:— Неча шиша ўғирлабди?— деди, мийиғида кулиб ҳеч нарса билмагандек бемалол.

— Беш-олти шиша коньяк— деди Иброҳим ака.

— Инсофли ўғри экан,—дедилар устоз энди хандон отиб (Бу воқеани эслаб бир неча йил кулишиб юрдик).

Шу пайт тўйга Таваккал Қодиров кириб келди-ю, остонаданоқ қўлида тори билан ашулани бошлаб юборди. Эндигина кетишга чоғланиб турганлар кетолмай жойларидан жилмади. У даврда Таваккал аканинг машҳур пайти эди. Тўхтамай уч соатга яқин куйлади. Кетадиганлар ҳам кетмади. Ўшанда шоира Зулфиянинг бир гапи қулоғимга чалиниб қолди

— Халқимиз Таваккал Қодировни соғинибди. Қаранг, ҳеч ким чурқ этмай тинглаяпти. Аёлларимиз чунонам рақсга тушаяптики, асти қўяверинг. Шундай санъаткорни эъзозлай олмай ёмон отлиғ қилиб юрибмиз-а!— деб Зулфия Комил Яшинга нимадир деди. Худди бу гапга жавоб қилгандек, устоз ўртага чиқиб Таваккал Қодировнинг устига тўн ёпиб, бошига дўппи, белига қийиқча боғладилар. Ҳамма қарсак билан олқишлади.

Тўйдан кейин ўзим ҳофизни тунгги поезд билан Фарғонага жўнатдим. Таваккал аканинг айтишича, устознинг тўйини эшитиб бир жуфт қўшиқ айтиб кетиш учун Фарғонадан келибди. Ана эътиқоду мана ҳурмат, қадр-қиммат! Қойил қолдим.

Ўша воқеадан кейин Таваккал Қодировнинг қўшиқлари яна эфир орқали берила бошланди.

Кейин билсак Зулфия опа ва Комил Яшинлар ҳиммат қилиб, юқоридагилардан Таваккал Қодировнинг «қилган гуноҳлари»ни авф этишни сўрашибди.

Устозни дўстлари ҳам, оддий халқ ҳам, санъаткорлар ҳам бирдай ҳурмат қилишарди. У кишининг тўйлари ҳамиша шундай тўкин, чиройли ва мароқли ўтарди.

**Барот ИСРОИЛ.**

## «ЯНГИЛИК» ТАМҒАСИ БИЛАН

**● ТОШКЕНТДАГИ «Лола» атир-упа фабрикаси аъзолари Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти кунига совға тайёрлашди.**

**Байрам арафасида савдога чиқарилиши мўлжалланган «Эверест» атири Бутуниттифоқ илмий текшириш институтида кўрикдан ўтиб, юқори баҳоланди. Ўзига хос ёқимли ва бетакрор исга эга бўлган мазкур атир «Янгилик» тамғаси билан чиқарилади.**

**Фабрика ишчилари аёлларни ҳам унутишгани йўқ. Шу йил январь ойидан бошлаб «Балет» номли сочма упа чиқарила бошлади.**

**— Айни пайтда 86 минг дона упа савдо шохобчаларига етказиб берилди,— дейди фабрика директорининг муовини Зайниддин Собиров.**

**Улар халқаро хотин-қизлар байрами кунигача бу рақамни 100 мингтага етказишмоқчи.**

**Р. ИНОҒОМОВА.**

*

**● Помидор кўчатини ўзинг етиштирганингга нима етсин. Кўчат учун фалон пул сарфламайсан. Тайёрлаган ниҳолинг соғлом, бўлиқ бўлади. Лекин бу осонликча бўлмайди. Пикировкадан сўнг иссиқ-совуғидан, озиғидан вақтида хабардор бўлиб туриш керак.**

**Тошкент ноҳияси Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигидаги иссиқхонада «Манфаат» кооперативи аъзолари енг шимариб иш бошлашди.**

**СУРАТДА: К. Одилова ва Н. Умарова кўчатлар ривожини кўздан кечиришяпти.**

**Суратқаш Е. БОТИРОВ.**

*

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

### ФОРС ҚЎРФАЗИ: УРУШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

● ФОРС кўрфази минтақасида бир неча ҳафта бурун бошланган уруш ўзининг фожиавий босқичига кирди.

Ҳа, жаҳондаги кўпгина мамлакатлар халқларининг, СССР Президенти М. С. Горбачевнинг ҳар томонлама саъи-ҳаракатларига қарамасдан бу фожианинг олдини олиб бўлмади. Ўтган шанба куни АҚШ президенти Ж. Буш Оқ уйдаги матбуот хонасида ўзининг икки дақиқалик баёнотида кўп миллатли қўшинлар қуруқликда ҳужум бошлаганликларини эълон қилди. Ж. Буш ўзининг шаҳардан ташқаридаги резиденцияси — Кэмп-Дэвиддан қайтиб келгач, йигирма дақиқадан сўнг телекамералар олдида пайдо бўлди.

Шанба куни Вашингтон вақти билан соат 12 да АҚШ томонидан Бағдодга қўйилган ультиматум муддати тугаганлиги муносабати билан қуруқликдаги қўшинлар жангга кирдилар. Ультиматум моҳияти энг қисқа муддат — камида етти кун мобайнида Ироқ сўзсиз ва ҳеч қандай шартсиз ўз қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетиши лозим эди. Аммо сўнгги имконият — бой берилди. Ироқ томони ўзининг махсус вакили—Ташқи ишлар вазири Тариқ Азизни Москвага юбориб, кенг доирада маслаҳатлашувлар олиб борди. Совет томони таклиф қилган режага биноан 21 кун давомида Бағдод ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши шартлашилган эди. Аммо Вашингтон бу муддатга кўнмади.

«Саддам Хусайнга сўнгги имконият — Қувайтни зудлик билан бирон-бир шартсиз ташлаб чиқиб кетиш, шу тариқа БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорини адо этиш имконияти берилди,— деди Буш.— Афсуски, белгиланган вақт ичида Ироқ бу ишга розилик бермади». Шундан сўнг,— деб таъкидлади АҚШ президенти,— мен генерал Шварцкопфга иттифоқчилар қўшинлари билан биргаликда қуруқликдаги жангларни бошлаш тўғрисида буйруқ бердим.

### КИМНИНГ ҚАНЧА ҚЎШИНИ БОР?

● МАЪЛУМКИ, Ироққа қарши иттифоқда жаҳоннинг 28 мамлакати қатнашмоқда. Ҳарбий манбалардан олинган маълумотларга қараганда, мазкур иттифоқ таркибида АҚШ — 425 минг, Туркия — 100 минг, Саудия Арабистони — 67 минг 500, Буюк Британия — 35 минг, Миср — 30 минг, Сурия — 20 минг, Франция — 17 минг, Қувайт — 11 минг 500, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши (бунга Баҳрайн, Қувайт, Оман, Катар, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари киради) — 10 минг, Покистон — 10 минг, Бангладеш — 5 минг, Канада — 1800, Италия — 1500, Марокаш — 1580, Нидерландия — 950, Австралия — 840, Бельгия, — 620, Нигер — 500, Сенегал — 500, Испания — 500, Швеция — 500, Польша — 400, Дания — 300, Аргентина — 200, Чехословакия — 200, Греция — 200, Сьерра-Леоне — 200, Янги Зеландия — 132 нафар аскари билан қатнашмоқда.

### САДДАМ ХУСАЙН БАЁНОТИ

● ҚУРУҚЛИКДАГИ жанглар бошланганидан сўнг олти соат ўтгач, Ироқ президенти Саддам Хусайн Бағдод радиоси орқали сўзга чиқди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши,— деди у,— Совет тинчлик ташаббусини муҳокама қилишга киришган бир пайтда қуруқликдаги уруш бошланди. Кўп миллатли кучлар ҳаракатини «босқинчилик» деб атаган С. Хусайн Ироқ халқини душманга муносиб зарба беришга ҳамда бу муқаддас урушда ғалабани қўлга киритишга чақирди.

### ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ЯПОНИЯ пойтахти Токиода СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Японияга сафари муносабати билан тайёргарлик кўриш масалалари СССР Президенти сафарини ташкил этувчи комитет мажлисида муҳокама қилинди. Комитетга собиқ ташқи ишлар вазири Абэ раҳбарлик қилмоқда.

● БУЮК Британиянинг собиқ бош вазири М. Тэтчер жамоа палатасига ўтказиладиган бўлажак сайловларда ўз номзодини қўймасликка қарор қилди. Бу ҳақда «Дейли мейл» рўзномаси хабар берди. Сайловлардан кейин Тэтчер ўз фаолиятини лордлар палатасида давом эттиражаклигини айтди.

● ЭРОН парламенти раиси Коррубий Исломобод шаҳрига келди. Покистон пиёда қўшинлари Бош штабининг бошлиғи генерал Бек билан олиб борилган музокараларда Коррубий Покистон, Эрон, Туркия ва Афғонистон иштирокида янги мудофаа иттифоқини тузиш истиқболи борлигини айтди.

● КЕЧА Болгариянинг собиқ раҳбари Тодор Живков устидан суд жараёни бошланди. Бу ҳақда БТА агентлиги хабар берди. Т. Живков суд олдидан гапирган гапида мутлақо равшанки, бу суд собиқ давлат бошлиғига нисбатан қилинаётган бедодликдир, деб айтган. Мен судда ўзимни эмас, болгар халқини ҳимоя қиламан, деди Т. Живков.

● ВАРШАВАДА ўтган шанба куни «Бирдамлик» («Солидарность»)нинг съезди бўлиб ўтди. Унда Лех Валенса президент этиб сайланганлиги муносабати билан «Бирдамлик» раислиги лавозимини бўйнидан соқит қилажаклигини айтди. Съезд давомида «Бирдамлик» раиси этиб номи чиқмаган муҳандис, 41 яшар Мариан Кшаклевский сайланди.

● ХХР Давлат ҳисоб бошқармаси маълумотига қараганда, ўтган йил охирига келиб Хитой аҳолиси 1 миллиард 143 миллион кишига етган. 1990 йилда Хитой аҳолиси 16 миллиондан зиёд кўпайди.




**● ЖАҲОНДАГИ кўпгина мамлакатларда Форс кўрфазида давом этаётган урушга қарши намойишлар бўлиб ўтди. Суратда: Буюк Британия пойтахтида бўлган ана шундай юришларнинг бирини кўриб турибсиз. Асосий шиорларда — «Йўқолсин уруш!» деб ёзилган эди.**

**КАМЕРА—ПРЕСС —ТАСС сурати.**



**● ФОРС кўрфазидаги уруш ҳаракатлари кенгайиши муносабати билан Америка ҳарбий корхоналари қурол-яроғларнинг такомиллашган турларини ишлаб чиқаришга киришмоқдалар. Суратда: ана шундай янги ракеталардан бири «Саратога» кемасига ортилмоқда.**

**ТАСС сурати.**

